

Жинойтлар ва уларнинг каффорати



15:05 / 14.06.2024 1973

Ҳаж ва умра бобидаги «**ЖИНОЯТ**» деб эҳром ва ҳарам ман этган ишларни қилишга айтилади. Жинойтлар икки хил бўлади:

- а) Эҳромга боғлиқ жинойтлар ҳаж ва умрада эҳромга кирган кишиларга хос.
- б) Ҳарамга боғлиқ жинойтлар ҳарам ҳудудида бўлган кишиларга хос.

Эҳромга боғлиқ жинойтлар ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:

1. Туя ёки мол сўйишни вожиб қиладиган жинойтлар:

- Арафотда тургандан кейин аёлига яқинлик қилиш;

– Ифоза тавофани жунуб ҳолида қилиш ёки ҳайзи, нифоси бор аёлларнинг бундай тавоф қилиши;

2. Қўй сўйишни вожиб қиладиган жиноятлар:

– эҳромдалик ҳолатида тўлиқ бир аъзога хушбўй нарса суртиш. Мисол учун, юз, бош, қўл кабиларга.

– тикилган кийимни оддий ҳолатдаги каби кийиш ва бир кун ёки бир кеча ечмай юриш. Аммо баъзи кийимни елкасига ташласа ёки белига ўраб, айрим жойларини тўсса, жиноят ҳисобланмайди. Чунки оддий ҳолатда бу «кийим кийиш» деб баҳоланмайди. Агар оз муддатга кийса, садақа вожиб бўлади. Унинг миқдори икки кило буғдой ёки шунинг қиймати;

– бошнинг тўртдан бири ва ундан кўпининг сочини олдириш;

– қўл-оёқнинг ёки фақат қўлнинг, ёки фақат оёқнинг тирноқларини олиш;

– Қудум ёки видо тавофани жунуб ҳолида қилиш ёки ифоза тавофани таҳоратсиз адо этиш;

– Ифоза тавофи таркибидан уч айланишни қолдириш. Муздалифада турилмаса;

– тавоф пайтида авратнинг тўртдан бири очилиб қолса-ю қайта тавоф қилмай Маккадан чиқса;

– тош отишни бутунлай тарк қилиш ёки кўпроғини, бир кунлигини тарк этиш;

– сочни олдириб бўлиб, ифоза тавофидан аввал аёлига яқинлик қилиб қўйиш;

3. Садақани вожиб қилувчи жиноятлар (садақанинг миқдори икки кило буғдой ёки унинг қиймати):

– бир аъзонинг оз қисмига хушбўйлик суртиш;

– бир кундан оз муддат бош кийим ёки тикилган кийим кийиш;

– соч ёки соқолнинг тўртдан бирини олиш;

– бир дона тирноқни олиш. Бештадан кам тирноқни олган киши ҳар бири эвазига биттадан садақа қилади;

- қудум ёки видо тавофини таҳоратсиз қилиш;
- видо тавофидан бирор айланишни қолдириш;
- саъйдан бирор мартасини қолдириш;
- бирор тош отишда тошлар сонининг еттитадан кам бўлиши;
- бошқа одамнинг сочини олиш;
- узр ила хушбўйлик суртиш, тикилган кийим кийиш, сочини олдириш.

Хоҳласа Ҳарамда қурбонлик сўяди ёки олти мискинга уч соъдан садақа қилади ёки уч кун рўза тутади.

4. Садақадан озроқ нарсани, яъни икки кило буғдойдан ёки унинг қийматидан озроқ нарсани тўлашни вожиб қиладиган жиноятлар: масалан, чигиртка, бит ва шунга ўхшаш ҳашаротларни ўлдириш.

5. Етказилган зарарнинг қийматини тўлашни вожиб қиладиган жиноятлар:

- Эҳромдаги одамнинг ов ҳайвонини овлаб ўлдириши ёки овчига кўрсатиб бериши. Ҳайвон ўлдирилган жойда икки одил мутахассис киши унга нарх белгилашади. Агар нарх туя, сигир ёки қўй нархига етса, хоҳласа, уларни сотиб олиб, Ҳарамда сўяди ёки ўша пулга таом олиб, фақирларга тарқатади. Бир фақирга ярим соъ буғдой ёки бир соъ хурмо беради. Ёки ҳар бир фақир бадалига бир кун рўза тутади.

«Овланадиган ҳайвон» деганимизда, қуруқликда туғилиб, ўзидан кўпайиб, одамга ўрганмаган ҳайвонлар, жумладан шер, кийик, қуён кабилар назарда тутилади. Аммо ит, мушук, илон, чаён, тошбақа кабилар ов ҳайвонлари ҳам, уй ҳайвонлари ҳам ҳисобланмайди. Шунингдек, сув ҳайвонлари, уй ҳайвонларидан қочиб кетганлари ҳам ов ҳайвонлари ҳисобланмайди.

Ҳарамга боғлиқ жиноятлар эса қуйидагилардир:

Ҳарамга боғлиқ жиноятлар фақат эҳромдаги кишиларга эмас, балки Ҳарам ҳудудидаги барча кишиларга тегишли бўлиб, бундай жиноятлар ҳайвонларга ва ўсимликларга оиддир.

Ҳарамдаги киши эҳромда бўлса ҳам, бўлмаса ҳам, унга ов қилишга рухсат йўқ. Аммо озор берувчи махлуқлар – илон, чаён, сичқон, қутурган итни овласа, уни ўлдирса бўлади.

Ҳарамда ов қилишнинг жазоси унинг қийматига яраша ҳайвон олиб садақа қилишдир. Мисол учун, қуён овлаган улоқ, туяқуш овлаган туя ёки мол тўлаши керак. Агар овининг қиймати қурбонликнинг қийматига тенг бўлса, хоҳласа, қурбонлик олиб сўяди, хоҳласа, унинг нархига таом олиб, фақир-мискинларга тарқатади.

«Ҳарамдаги ўсимликлар» деганда, аслида ўзи ўсадиган ўсимликлар назарда тутилади. Ўзи ўсиб турган бўлса, уни кесиш ёки синдириш мумкин эмас. Аммо одамлар ўстирадиган хилидан бўлса, одам ўстирса ҳам, ўстирмаса ҳам, зарурат бўлганда уни кесса бўлади. Шунингдек, одатда ўзи ўсадиган бўлса-ю, лекин одам ўстираётган бўлса, уни кесиш жиноятга кирмайди. Қуриб қолган ўсимликларни кесганлар ҳам жиноятчи ҳисобланмайди.

«Мўминнинг умр сафари» китоби